

ҚҚС ставкасини 12 фоиз қўллашнинг дастлабки натижалари

Солиқ тўловчилар жорий йилнинг февраль ойида солиқ органларига ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботларини биринчи марта 12 фоиз ставкада тақдим этишди.

Январь ойида 2022 йил декабрь ойи учун ҳисобот 15 фоизли ставкада тақдим этилган.


Шу билан бирга, божхона органлари ҚҚС нинг 12 фоиз ставкасини 2023 йил 1 январь ойдан бошлаб қўллашмоқда.

ҚҚС ставкасининг 15 дан 12 фоизга пасайтирилиши кутилганидек бюджет тушумлари билан биргаликда ҚҚС “манфий қолдиқ” суммасининг бюджетдан қоплаб бериладиган қисмига ҳам таъсир кўрсатди.

2023 йил февраль ойида ҚҚС жами тушумлари **5,8 трлн сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,6%** га ошди.

Солиқ органлари томонидан жорий йилнинг февраль ойида **2,8 трлн сўм** миқдордаги ҚҚС тушумлари тушиши таъминланиб (2022 йил февраль ойига нисбатан 10%га кўп), 2023 йил январь ойига нисбатан пасайиш **550 млрд сўм** ёки **16 %** ташкил этди (*солиқ ставкаси эса 20 фоизга камайган*).

Божхона органлари томонидан жорий йилнинг февраль ойида **3 трлн сўм** ёки 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **3,7%**га кўпроқ ундирилди. ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига жорий йил январь ойи тушуми **3,1 трлн сўм**ни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, 2022 йил ноябрь ойида тушумлар **3,4 трлн сўм**ни ташкил қилган, жорий йил февраль ойида эса тушумлар **12%** га камайган (*солиқ ставкаси эса 20 фоизга камайган*).



Бунда, 2023 йил январь ойида тадбиркорлик субъектларига ҚҚС манфий қолдиғини қоплаш учун **1,2 трлн сўм** қайтарилган бўлса, февраль ойида эса бу сумма **1,6 трлн сўм**ни ташкил этди.

Манфий қолдиқ суммасининг ортиши, ҚҚС нинг ҳисобга олиниши 15 фоиз ставкада, ҳисобланиши эса 12 фоиз ставкада амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини жадал қайта тиклашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги “Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарорининг қабул қилиниши, солиқ тушумларига таъсир кўрсатди. Ҳусусан:

а) солиқ тўловчиларга 2023 йил 1 январга нисбатан 1 февраль ҳолатига ошган (ҳосил бўлган) солиқ қарзини 2023 йил 1 мартдан 1 июлга қадар фоизларсиз, қўшимча шартлар қўймасдан ва таъминот талаб этмасдан тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди. Ушбу йўналиш бўйича (2023 йил 1 март ҳолатига) солиқ органлари томонидан **330 млрд сўмдан** ортиқроқ солиқ қарзи муддати узайтирилди;

б) қуйидагилар 2023 йил 1 апрелга қадар тўхтатилди:

– солиқ қарзига пеня ҳисоблаш;

– ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга қўлланилган **1,7 трлн сўм** миқдоридagi жарималарни ундириш;

– ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларига нисбатан давлат фойдасига ундирувлар билан боғлиқ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси.

Жорий йил февраль ойида **Давлат бюджети даромадлари** ижроси **16,1 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан нисбатан **2,4 трлн сўмга (17,7%, жорий йил январь ойига нисбатан эса 1,2 трлн сўм ёки 8,2%)** ошди.

Жорий йилнинг февраль ойида Давлат бюджети даромадларида солиқ органлари маъмурчилигидаги тушумлар **13,4 трлн сўмни** (январь ойига нисбатан 1,5 трлн сўмга (12,5%) ошди, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан эса – 1,9 трлн сўм (16,4%)га ошди) ташкил қилди.


Божхона органлари бўйича тушумлар **3,8 трлн сўмни** (январь ойига нисбатан 64 млрд сўмга (1,7%) ошди, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан – 519 млрд сўм (15,7%)) ташкил қилди.

Давлат бюджети даромадлари

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	2022 йил февраль	2023 йил				2022 йил февраль ойига нисбатан ўсиш	
			январь	февраль	ўсиш		сумма	%
					сумма	%		
	Давлат бюджети даромадлари	13 725,7	14 928,0	16 148,2	1 220,2	108,2	2 422,5	117,6
1	Бевосита солиқлар	5 377,4	4 389,8	6 412,2	2 022,4	146,1	1 034,8	119,2
2	Билвосита солиқлар	5 200,9	6 884,0	5 985,4	-898,6	86,9	784,5	115,1
	- ҚҚС солиқ органлари бўйича	2 534,5	3 336,0	2 785,8	-550,2	83,5	251,3	109,9
	- ҚҚС боғхона органлари бўйича	2 859,2	3 087,6	2 965,0	-122,6	96,0	105,8	103,7
	- ҚҚС қопланиши (қайтариллиши)	-1 599,8	-1 161,9	-1 641,3	-479,3	141,3	-41,5	102,6
3	Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи	2 111,3	1 948,0	2 186,8	238,9	112,3	75,5	103,6
4	Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	1 036,1	1 706,2	1 563,8	-142,5	91,6	527,7	150,9

2022-2023 йиллар февраль ойида Давлат бюджети даромадлари таркиби (млрд сўм)



Бевосита солиқлар бўйича жорий йил февраль ойи тушумлари **6,4 трлн сўмни** ташкил этиб, олдинги ойга нисбатан **2 трлн сўмга** (46,1%), 2022 йилнинг мос даврига нисбатан эса **1 трлн сўмга** (19,2%) ошди.

Фойда солиғи бўйича жорий йил февраль ойи тушумлари **3,9 трлн сўмни** ташкил этиб, январь ойига нисбатан **1,5 трлн сўмга** (61,4%), 2022 йил февраль ойига нисбатан эса **0,5 трлн сўмга** (14,8%) ошди.

Тушумларнинг асосий қисми Навоий ҳамда Олмалиқ КМКга тўғри келади (2023 йил февралда – 47,3%, 2022 йил февралда эса – 49,7%).

Шуни таъкидлаш жоизки, йирик солиқ тўловчилар тоифасига крмайдиган тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаоллигининг ошиши давом этмоқда.

Уларнинг тушумлари жорий йилнинг февраль ойида январь ойига нисбатан қарийб **2 баробарга**, 2022 йил мос даврига нисбатан эса **1,4 баробарга** ошди.

Жорий йил февраль ойи фойда солиғи тушумларининг январь ойига нисбатан ўсиши, йиллик солиқ ҳисобот тақдим қилиш муддатларидаги якуний фойда солиғи тўловлари ҳисобига таъминланди (*якуний тўлов муддати солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай*).

